

6.1.2 Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол – мулк 365 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.2 «Харидор» мажбурияти:

6.2.1 Маҳсулотни қабул қилиш далолатномаси тузган холда ушбу шартномада қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатномада ёзиб 30 кун ичида Бажарувчини огоҳлантириш.

6.2.3. Маҳсулотни баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Маҳсулот бериш вақтида риюя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлик қоплайди ва 0,1 % миқдорда пеня тўлайди. Бу холда пеня шартнома суммасининг 50% миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.2. «Бажарувчи» маҳсулотни тўлик етказиб бермаганлиги учун «Харидор» га етказиб берилмаган ҳар кун учун маҳсулот баҳосидан 1 % пеня тўлайди.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол – мулк бермаган бўлса, айбдор тараф шартнома умумий суммасини 1 % миқдорда пеня тўлайди.

7.4 Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол – мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, «Бажарувчи» шартнома суммасини 1 % миқдорда жарима тўлайди.

7.5. Маҳсулот учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлик тўловни амалга оширмаса маблағ миқдоридан 0,1% пеня тўлайди, лекин пеня миқдори тўланмаган маблағ 50% миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Бажарувчи» омондоридан ўз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кузда тутилган бўлса «Харидор» ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун «Бажарувчи» га омондорда сақланганлигидан келиб чиққан зарарни ва шартнома суммасини 0,1 % миқдорда жарима тўлайди.

7.7. Неустойка (жарима) тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришда озод қилмайди.

8. Форс – мажоз ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура ва енгил бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантирилиб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартнома ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Ўзаро келишуви билан ҳал этилмаган масалалар Хоразм вилояти иқтисодий судида кўриб чиқилади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1 Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қуйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари : _____

11.3. Шартномага илова : _____

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реқвизитлари

«БАЖАРУВЧИ»	«ХАРИДОР»
"НАМКOR-BIZNES-GROUP" МЧЖ	Хоразм вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ Махсус эксплуатация-монтаж бўлими
Манзил: Урганч шаҳри Гурлан кўчаси 80-уй	Манзил : Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Хонка кўчаси 198-уй.
Тел : 97-510-40-04	Тел : +99862225-85-86
Х/р: 2020 8000 2055 3192 6001	Х/р: 401010860334017031101179007
Банк: УРГАНЧ Ш., ЧЭКИ "INVEST FINANCE BANK" АТБ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ	ИНН: 202507247 ОКОНХ
ИНН: 309 598 720	Хоразм вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси
МФО: 01129	Ғазна х/в : 23402000300100001010
ОКЭД:	Банкнинг номи : Марказий банк Тошкент ш.
	МФО: 00014 ИНН: 201122919

Раҳбар

(имзо)

Д.Каримов

Бошлик

(имзо)

Ж. Отамуратов

Хуқуқшунос:



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRI O'RINBOSARINING FARMYOYISHI

2022 – 2026 йиллар давомида республика ҳудудида амалга оширилиши
мўлжалланган “Хавфсиз ва раvon йўл” умуммиллий дастури ижросини
таъминлаш тўғрисида

2022 – 2026 йиллар давомида республика ҳудудида амалга оширилиши
мўлжалланган “Хавфсиз ва раvon йўл” умуммиллий дастурида белгиланган
чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 июлдаги ПК-316-сон қарори билан йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини кескин қисқартириш, шу жумладан ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлашни назарда tutувчи 2022 – 2026 йиллар давомида республика ҳудудида амалга оширилиши мўлжалланган “Хавфсиз ва раvon йўл” умуммиллий дастури (кейинги ўринларда умуммиллий дастур) тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2022 йилда:

мактабларда йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш синфхоналарини ташкил қилиш ишларини яқунлаш жадвали 1-иловага мувофиқ;

давлат мактабгача таълим ташкилотларининг тарбияланувчилари учун йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш майдончаларини ташкил этиш ишларини яқунлашнинг тармоқ жадвали 2-иловага мувофиқ;

маҳаллаларда йўл ҳаракати қоидалари ўргатиш майдончаларини ташкил қилиш ишларини яқунлашнинг тармоқ жадвали 3-иловага мувофиқ;

транспорт ва пиёдалар оқими, пиёдалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили асосида туманлар ва шаҳарлардаги аҳоли гавжум ҳудудларда пиёдалар ўтиш жойларига пиёдалар бошқарадиган светофорларни ўрнатиш ишларини яқунлашнинг тармоқ жадвали 4-иловага мувофиқ;

“Нурли маскан” мактаблари ҳудудида “Йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш мажсуе майдонча”ларини ташкил этиш ҳамда кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар яшайдиган ҳудудларда овозли светофорлар ва инновацион йўл белгиларини ўрнатиш ишларини яқунлашнинг тармоқ жадвали 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБ бошлиқларининг ўринбосарлари – Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқларига:

иккинчи кун муддатда:

халқ таълими бошқармалари билан ҳамкорликда 2022 йилда йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш синфхоналари ташкил этиладиган мактаблар танлаб олинсин ва рўйхати;

мактабгача таълим бошқармалари билан ҳамкорликда 2022 йилда йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш майдончалари ташкил этиладиган давлат мактабгача таълим ташкилотлари танлаб олинсин ва рўйхати;

маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармалари билан ҳамкорликда 2022 йилда йўл ҳаракати қондалари ўргатиш майдончалари ташкил қилиш этиладиган маҳаллалар танлаб олинсин ва рўйхати;

худудий ҳокимликлар билан ҳамкорликда транспорт ва пиёдалар оқими, пиёдалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили асосида туманлар ва шаҳарлардаги аҳоли гавжум худудиларда пиёдалар ўтиш жойларига пиёдалар бошқарадиган светофорларни ўрнатиш жойлари танлаб олинсин ва рўйхати шакллантирилсин.

Мақтабгача таълим ташкилотлари орасидан йўл ҳаракати қондаларини ўргатиш майдончаларини ташкил этиш учун асфальт билан қопланган худудлари мавжуд бўлганлари танлаб олинсин.

Маҳаллаларда йўл ҳаракати қондалари ўргатиш майдончаларини ташкил қилиш учун ушбу маҳаллаларда жойлашган мактабларнинг асфальт билан қопланган худудларидан фойдаланилсин.

Мақтабларда йўл ҳаракати қондаларини ўргатиш синфхоналари 6-иловада келтирилган намуна асосида, мактабгача таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда йўл ҳаракати қондаларини ўргатиш майдончалари 7-иловада келтирилган намуна асосида ташкил этилсин.

4. Мазкур фармойишда кўрсатиб ўтилган тадбирлар тармоқ жадвалларида белгиланган муддатларда амалга оширилсин ва кунлик маълумотлар ИИВ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига тақдим этиб борилсин.


5. Амалга оширилган ишлар тўғрисидаги якуний маълумотлар тармоқ жадвалларида кўрсатилган муддатларда фотоальбомлар (альбом ва электрон шаклда) билан бирга ИИВ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига тақдим этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (О.Ч.Саидов) мазкур тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар "Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда" республика жамғармасидан ажратилсин ва сарфланиши назоратга олинсин, шунингдек, амалга оширилаётган ишларни жойига чиққан ҳолда ўрганилишини ташкиллаштирилсин.

7. Мазкур фармойиш ижросини таъминлаш Қорқалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБлари бошликлари, умумий назорат ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошлиғи полковник О.Ч.Саидов зиммасига юклатилсин.

Вазир ўринбосари
полковник

Тошкент шаҳри,
2022 йил " 9 " ноябрь,
284-сон



Б.Т.Абдуллаев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 июлдаги ПҚ-316-сон қарори билан тасдиқланган 2022-2026 йиллар давомида республика ҳудудида амалга оширилиши мўллажаланган "Хавфсиз ва равон йўл" умуммиллий дастури асосида мактабларда йўл ҳаракати қондаларини ўргатиш синфхоналарининг

НАМУНАЛАРИ

Жиззах вилояти



Навоий вилояти



Ўқув хонаси жиҳозлари

✓ Мактаб доскаси 1.20x1.80 ўлчамда	1 дона
✓ Ўқитувчи столи ва стули	1 дона
✓ Ўқувчи столи ва стули	15-20 тўпلام
✓ Компьютер техникаси	1 дона
✓ Проектор (экрани билан)	1 дона
✓ Телевизор	1 дона
✓ Автошаҳарча макети 1.20x1.50 ўлчамда	1 дона
✓ Кўرғазмали плакатлар 0.85x1.37 ўлчамда	16 дона
✓ Планшет кичик ўлчамдаги йўл белгилари	1 комплект
✓ Светофор макети 0.85x1.37 ўлчамда	1 дона
✓ Ўқув кўрғазмали плакат ва методик қўлланма	1 дона
✓ Тиббиёт қутиси	1 дона

Тошкент шаҳри



Самарқанд вилояти



Харажатлар сметаси

✓ Мактаб доскаси - 1 дона	- 1 000 000 сўм
✓ Телевизор Artei TV LED 9100 43 - 1 дона	- 3 000 000 сўм
✓ Компьютер техникаси	- 5 000 000 сўм
✓ Проектор (экрани билан) - 1 дона	- 2 000 000 сўм
✓ Автошаҳарча макети - 1 дона	- 20 000 000 сўм
✓ Кўрғазмали плакатлар - 16 дона	- 8 000 000 сўм
✓ Планшет кичик ўлчамдаги йўл белгилари - 1 комплект	- 350 000 сўм
✓ Светофор макети - 1 дона	- 1 400 000 сўм

Жами 40 750 000 сўм